

ЯНГИБОЗОР ТУМАН ХОКИМИ
КАРОРИ

«15» сентябрь 2018 йил

№ 582

Янгибозор тумани.

Янгибозор туманида кишлоқ хужалиғи ва мелиоратив техникаларни, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини мажбурий техник куриқдан утказиш тугрисида.

«Махаллий давлат ҳокимияти тугрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й, 9-сон, 320-модда) Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги «Кишлоқ хужалиғи ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида»ги 345-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2012 й, 50-сон, 559-модда) қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хужалиғи вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган «Кишлоқ хужалиғи ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник куриқдан утказиш тартиби тугрисида»ги Низом (2013 йил 25 апрель, рўйхат рақами 2452, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари туплами, 2013 йил 17-сон, 229-модда) талабларига асосан, Янгибозор туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли булган ва туман кишлоқ хужалиғи техникалари буйича давлат инспектори томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан утказилган кишлоқ хужалиғи ва мелиоратив техникаларни шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник куриқдан утказиш мақсадида,

КАРОР ҚИЛАМАН :

1. Тумандаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли булган кишлоқ хужалиғи ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (кейинги уринларда матнда «техника» деб юритилади) техник куриқдан утказиш комиссияси таркиби 1-иловага ;

техникаларни мажбурий техник куриқдан утказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва жорий йилнинг 10-февралидан 1-июнигача техник куриқдан утказилишини таъминлансин.

2. Техникаларни техник куриқдан утказиш жараёнида техник куриқдан утказувчи туман комиссияси ;
техникаларнинг сони, уларнинг мавжудлиғи ва рўйхатдан утганлиғи ;

техниканинг техник паспорти ва кишлок хужалиги машинасининг гувоҳномасида курсатилган маълумотларда уларнинг тури, русуми, завод раками, двигатель ва давлат раками белгисининг мувофиқлиги ;

техниканинг техник ҳолати ва жихозларнинг созлигини куриб чиксин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хужалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тугрисида»ги низомнинг 8-иловасидан келиб чиқиб, техникалар техник куриқдан утқазилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ;

тракторлар, трактор тиркамалари, миллиоратив техника ва узиюрар машиналарга-0,18 фоизи;

кишлоқ хужалик машиналарга – 0,10 фоизи ;

машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарига -0,37 фоизи миқдорда йигим ундирилсин.

4. Янгибозор туман кишлок хужалиги техникаси буйича инспектори (Х.Курбашев) белгиланган тартибда руйхатдан ёки мажбурий техник куриқдан утқазилмаган носоз машиналарни йулга чиқарилишини олдини олиш ва улардан фойдаланиш қондаларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтирсин.

5. Мазкур қарор қабул қилиниши билан туман ҳокимининг 2017 йил 1-февралдаги 218-сон қарори уз қучини йуқатган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарор Янгибозор туман ҳокимининг расмий нашри ҳисобланган «Янгибозор қузғуси» газетасида эълон қилинсин.

7. Туман ҳокимлиги бош мутахасиси (Б.Пулатов) ;

мазкур қарорни туман ҳокимлигининг yangibozorhokimiyat.uz расмий веб-сайтига жойлаштирсин ;

Янгибозор туман кишлок хужалиги техникаси буйича инспектори (Х. Курбашев) билан биргалиқда ушбу қарорнинг мазмун моҳиятини аҳолига тушинтириш ишларини олиб борсинлар.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг уринбосари Э.Акмуратов зиммасига юқлатилсин.

ЯНГИБОЗОР ТУМАН ХОКИМИ  О. МАДРАХИМОВ.

